Ушбу сонда:
2 ФЕРМЕР бўлиш ҳамманинг қўлидан келмайди
3 ЎЗБЕК ҚОРАКЎЛИ ОЛАМГА МАШҲУР
8 Пири бадавлатларимиз БАХТИНГ БОР ДЕБ ЭСАДИ ЕЛЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 август, жума № 131-132 (1973)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ширин шаҳри яқинидаги Нуробод қишлоғида 520 ўринли янги мактаб биноси ҳамда ҳар томонлама қулайликка эга бўлган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан ҳам тўлиқ таъминланди.

Мактаб ва спорт мажмуаси очилиши маросимида ота-оналар, жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу иншоотларнинг бунёдкорлари - Сирдарё ГЭС қурилиш бошқармаси ҳамда 4-қишлоқ қурилиш механизациялашган колоннаси қурувчилари ҳам қатнашди. Тантанада сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилаётганини, болаларнинг чуқур билим олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилаётгани ҳақида мамнуният билан гапирдилар.

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУСИ

Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан репортаж

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик айёмига саноқли кунлар қолди. Ушбу улуғ сананинг 14 йиллигини мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15 июндаги «Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида қайд этилганидек, бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, аввало, ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бу йил истиқлол байрамининг асосий тантаналари илк бор пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида ўтади. Шу муносабат билан улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш миноралари иборат муҳташам мажмуа жорий йилнинг апрель-август ойларида реконструкция қилинди.

...Мажмуада мутахассисларнинг қўли-қўлига тегмайди: бир неча киши улкан сим ўрамларини, янги асбоб-ускуналарни ташиб келтираётган бўлса, бошқалар кабель ётқизиш, ёритиш ва овоз кучайтириш ускуналарини ўрнатиш билан банд.

- Илгари ушбу мажмуада фақат Наврўз тантаналари нишонланган ва бу тадбирлар куннинг ёруғ қисмида ўтказилгани учун ёритиш ускуналари ўрнатишга эҳтиёж бўлмаган, - дейди «Махсуснур» ташкилоти бош муҳандиси Искандар Тошмуҳамедов. - Мустақиллик байрамига тайёргарлик доирасида томоша жойини ёритишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришга киришдик. Шу мақсадда янги ва илғор ёритиш ускуналаридан фойдаланяпмиз. Иллюминация эффектлари ўнта дастур бўйича ишлайди. Майдон узра 400 га яқин ёритиш ускуналари ўрнатилади.

Бундан ташқари, мажмуага кириш-чиқиш жойлари, Алишер Навоий ҳайкалига олиб борувчи йўлак четлари, ён-атрофдаги дарахтлар, буталарга ҳам иллюминация чироқлари осилади. Байрам куни ушбу мажмуа чароғонлиги ҳамюртларимиз ва азиз меҳмонлар кўнглига нур улашиб туриши тайин.

Бош овоз режиссёри Игорь Иосиснинг айтишича, майдонга машҳур хорижий компаниялардан бири - «Денкрайзер»нинг (Буюк Британия) замонавий овоз кучайтиргич ускуналари ўрнатилмоқда. Қарийб юзта улкан овоз кучайтиргич карнайлар томоша мажмуасининг ҳар бир секторига тенг миқдорда тақсимланади. Бу, аввало, байрам қутлови, алёр ва куй-қўшиқ оҳангларининг мажмуа бўйлаб бир меъёрда, текис таралишини таъминлайди. Қолаверса, мажмуа узра янграйдиган мусиқа наволарини тинглаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Жорий йилнинг 27 июлида мамлакатимиз раҳбари ушбу мажмуадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишиш чоғида мажмуа томошабинлар учун, улкан саҳна эса санъаткорларнинг чиқишларига қулай бўлишини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга муҳим тавсиялар берганди. Мажмуада ана шу кўрсатмалар асосида талай ишлар амалга оширилди. Улкан саҳна юзаси тахта билан қопланди, санъаткорларнинг эркин ҳаракатланишларига мослаб унинг теварагида зиналар ясалди. Қисқаси, мазкур муҳим оммавий тадбир кўнгилли ва хавфсиз ўтишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди.

...Саҳнада турли ижодий жамоалар вакиллари навбат билан машқ қилмоқда. Ҳар бир санъаткор ўз чиқишини маромига етказиб, назокат ва нафосат билан ижро этишга интилади.

Санъатимизнинг ана шу жонкуяр вакиллари, шунингдек, илгари пойтахтимизда ўтган асосий тантаналарда қатнашиб, бой тажриба тўплаган вилоятлардаги санъаткорларнинг жойларда ташкил этиладиган шодиёналарда фаол чиқишлари байрамнинг мамлакатимиз бўйлаб юксак савияда, мазмунли ва қизиқарли нишонланишини таъминлаши шубҳасиз.

Байрам муносабати билан истеъдодли шоирлар, бастакорлар, ижрочи санъаткорларнинг уйғун ва ҳамжиҳат ижодий фаолияти самараси ўлароқ, Истиқлолга бағишланган шеърлар яратилди, уларга куйлар басталанди, шу тариқа бир қанча янги қўшиқлар пайдо бўлди. Уларнинг энг саралари байрам дастурига киритилди.

Мустақиллик байрами катта тарихий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирдир. Шунинг учун бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш борасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси жиддий иш олиб борди. Оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Байрам тадбирларининг ғоявий-бадиий концепцияси ишлаб чиқилди, шу асосда дастур ва сценарийлар яратилди.

Шу кеча-кундузда Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш штабида ҳам, асосий тантаналар ўтадиган мажмуада ҳам иш қизғин. Мингга яқин санъаткор байрам томошаси дастурининг бадиий қисмини элимизга манзур этиб тайёрлаш билан машғул.

- Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган даъвати байрам дастурининг бош ғояси сифатида барча чиқишларимизда ўз ифодасини топади, - дейди Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри Валижон Умаров. - Ҳар мисра шеър, ҳар бир куй, қўшиқ, рақс, саҳна томошалари маъно-мағзига мустақиллигимизнинг моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб ва тарихий йўли, эришган улкан марра ва ютуқлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини бадиий-фалсафий йўсинда сингдиришга интилмоқдамиз.

Байрам тантаналари дастурида жамиятимизнинг барча қатламларига мансуб кишиларнинг кайфияти, хоҳиш-истакларини инобатга олиш, бадиий чиқишлар ва ижроларни, саҳна безакларини шу мезон асосида танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, ушбу шодиёналар улуғ неъмат - мустақилликнинг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси, ҳар бир юртдошимиз тақдиридаги аҳамиятини очиб беришга хизмат қилмоғи лозим.

(ЎзА)

ЎзКУФК тадбири

Халқимизда ўзгалар ёрдамига муҳтож, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатишдек азалий қадрият сақланиб келмоқда. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муносиб фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги кўплаб меҳрибонлик ва мурувват масканлари бевосита касаба уюшмаларининг ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда.

ҚАЛБЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни арафасида ўзининг савобли юмушларини бошлаб юборди. Куни кеча Кенгаш вакиллари Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказига ташриф буюриб, масканга рангли телевизор совға қилишди. Байрам туҳфасидан ногирон ўғил-қизларнинг қувончи ортди.

–Марказимиз ногирон аёллар ва болаларга касб-ҳунар ўргатиш билан шуғулланади. Айни пайтда аъзоларимиз сони 1,5 минг нафарни ташкил этади. Бу ерда улар ёғоч ўймакорлик, зардўзлик, тасвирий санъат, компьютер бўйича ҳунар ўрганишмоқда. Уларга 10 га яқин устозлар касб сирларидан сабоқ беришяпти. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқин кўмаги бизни янада кўтаринки руҳ билан ишлашга ундади. Бу эътибор учун ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз, – деди марказ раҳбари Зуҳра Раҳматуллаева.

Бундан ташқари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлик совғаларини топширди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши эса пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги ногирон болалар илмий тадқиқот, бадиий марказига 250 минг сўмлик ўқув жиҳозлари туҳфа этди.

–Меҳр-мурувватга ташна қалбларга қувонч улашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг эзгу ишларидан бири саналади. Бу борада қатор хайрли тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан аниқ дастур ишлаб чиқилган. Байрам муносабати билан яна кўплаб саховат юмушларини бажаришга бел боғлаганмиз, – дейди республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маънавий-маърифий, маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали Султонов.

Т.ЭШТЎХТАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ - ЧИРЧИҚДА

Мамлакатимизда қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақаларини юқори савияда ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шунинг учун ҳам дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни ҳақли равишда спорт марказларидан бири сифатида эътироф этади.

Мустақилликнинг илк йилларида юқори даражадаги халқаро турнирларга асосан Тошкент шаҳри мезбонлик қилган бўлса, бугунга келиб ҳар бир вилоят йирик спорт анжуманларини ўтказиш имкониятига эга. Чунки мамлакатимизда спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари - стадионлар, спорт манежлари, сув ҳавзалари, теннис кортлари, майдонча ва спорт заллари барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Айниқса, бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг аҳамияти беқиёс. Чунки мазкур мусобақаларга мезбонлик қилган Наманган, Жиззах, Фарғона, Хоразм, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ажойиб спорт иншоотлари қурилди. Ҳозир ана шу мажмуалар йирик спорт тадбирларини ўтказиш имконини беради.

Осиё оғир атлетика федерацияси - AWF мамлакатимизнинг юқори савияли ташкилотчилиги, юртимизда қатор спорт турлари каби оғир атлетикани ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинаётганини инобатга олиб, мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистонга оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилишни ишониб топширди.

Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг замонавий спорт манежида бўлиб ўтди. Уни Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоев очди.

- Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бутун дунёга маълум ва машҳурдир, - деди тантанали маросимда сўзга чиққан Осиё оғир атлетика федерацияси вице-президенти Найф Ал-Зафирий.

(Давоми 3-бетда)

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали шаҳарда истиқомат қилаётган меҳнат ва уруш фахрийларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этди.

Жамғарма томонидан қарияларга байрам совғаларини «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Жалил Муятдинов тантанали равишда топширди.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Навоий вилоятида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари сони 31 тага етди. Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Навоий шаҳридаги компьютер технологиялари академик лицейи ҳамда Қизилтепа туманидаги «Тавоис» касб-ҳунар коллежи ҳам фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув масканларида 20 минг нафардан зиёд йигит-қиз таълим олмоқда. Уларни зарур мебеллар билан жиҳозлаш, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, вазирлик томонидан ўтган йили 70 миллион сўмлик дарслик етказиб берилган бўлса, янги ўқув йили арафасида яна 65 миллион сўмлик китоб олинди.

Мулоҳаза ва таклиф

САНКЦИЯ ВАКОЛАТИ

Биринчи мақола

Ўзбекистон Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдаги дадил қадамлардан бири бўлди. Шу маънода ҳурматли газетхон санкция ваколати хусусида кенгроқ тушунчага эга бўлиши ғоятда муҳимдир.

Қуйида тажрибали мутахассис, юридик фанлари докторининг қимматли фикр, таклиф ва мулоҳазалари билан танишасиз.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг фаолият кўрсата бошлагани қонун ижодкорлиги билан боғлиқ жараённи янада такомиллаштириш баробарида "ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш"га имкон яратди. Жамиятни ислоҳ қилиш билан боғлиқ қонунларни таҳлил асосида такомиллаштириш мутахассис ва олимлар учун объектив заруратга айланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёнинг ривожланаётган давлатлари ҳуқуқий давлат концепцияси асосида янги жамиятни қуриш учун бир неча ўн йилликка тенг даврни босиб ўтишган. Фикримизча, бу концепция тадрижий (эволюцион) тарзда жамият ривожининг асоси ҳисобланган муаммоларнинг долзарблиги нуқтаи назаридан ўрганилган ҳолда жорий этилган. Ҳуқуқий давлат концепцияси асосида барча ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартибга солиниши, меъёрий-ҳуқуқий тизимда ҳуқуқнинг устуворлиги ортиб бориши, инсон ҳуқуқлари, демократия ва инсонпарварлик масаласи устувор аҳамият касб этиши, умуминсоний қадриятларнинг айрим гуруҳлар манфаатидан устун қўйилиши, шунингдек, халқаро муносабатларда интеграциянинг ривожланиши натижасида миллий ҳуқуқ тизимини дунё андозаларига мослаштириш ва уйғунлаштириш заруриятининг пайдо бўлиши - бир сўз билан ифодалаганда, қонун устуворлигига эришиш учун миллий қонунлардаги меъёрларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан бир хиллигига эришиш лозим, деган ғоялар мужассамдир. Умуман олганда, ҳуқуқий давлат концепциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоялаш, демократик институтларни кучайтириш ва кенгайтириш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқий меъёрлардан жамиятни бошқариш ва тартибга солишда асосий восита сифатида янада кенгроқ фойдаланишга асосий эътибор берилади. Мамлакатимизда бу концепцияга ўзига хослик, яъни тараққиётнинг ўзбек модели тамойилларига нечоғлик мос келиши, шунингдек, жамият аъзоларининг дунёқараши, тафаккур тарзини ўзгариш ёки янгиликка тайёрлаш нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашишни талаб этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш концепцияси давлат қурилиш ҳамда сиёсатнинг асосий ўзагига айланди. Президентимиз Ислом Каримов дунёнинг ривожланаётган давлатлари сингари давлат ва жамиятда ҳар бир инсоннинг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий меъёрларнинг ҳукмрон бўлиши ҳамда одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга эришиш учун узлуксиз равишда босқичма-босқич ислоҳотларни амалга ошириш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ислоҳотларнинг самарасини таъминлаш билан бевосита боғлиқ асосий йўналишлар ва вазифалар юзасидан энг муҳим ғоялар, таклифлар ва фикрларни илгари суриб келмоқда. Қувонарлиси шундаки, бошқа соҳалардаги каби суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар янги поғонага кўтарилган сайин, янгича кўриниш касб этмоқда. Энг муҳими, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилган ислоҳотлар шошма-шошарликдан ҳоли бўлиб, бири иккинчисини тўлдирувчи, соҳадаги муаммоларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш имконидан фойдаланиб, қонунларимизга киритилаётган янгиликлар, айниқса, инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар баҳамжиҳат ва бамаслаҳат тадрижий ўрганишга йўналтирилмоқда.

Шу ўринда асосий қомусимиз бўлган Конституцияда моҳияти жиҳатидан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясига тўлиқ мос келадиган инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари билан боғлиқ қатор ҳуқуқий меъёрлар ўзининг теран ифодасини топганини алоҳида қайд этиш жоиз. Биз қуйида Конституциямиздаги **“Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”** (2-модда), **“Ҳар ким ўз шаъни, обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиши ва турар жой дахлсизлигига эга. Ҳар ким қонунда назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ёки телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”** (2-модда) деган меъёрлар талабларини бажариш билан боғлиқ Жиноят процессуал кодексининг процессуал мажбурлов институтидаги ушлаб туриш, эҳтиёт чораси ҳисобланган қамоққа олиш ва турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биноси ёки ўзга жойда тинтув ўтказиш, почта, телеграф ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш билан боғлиқ меъёрларни таҳлил қилиш ва ушбу тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун санкция - рухсат бериш тартиби ҳақида сўз юритиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида бу меъёрларни такомиллаштириш моҳияти хусусида мулоҳаза билдиришни лозим топдик.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида (2005 йил 28 январь) қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш юзасидан қатор дастуриламал ғояларни, жумладан, **“Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак”**, деган таклифни билдирган эди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ратификация қилиш йўли билан **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт”**ни эътироф этган. **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”**да ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эгалиги, шунингдек, ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши, ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслиги қайд этилган. Шунингдек, **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”**да “Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади. Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган қисқа муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал қилиниши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукмни ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб турииши туфайли озодликдан маҳрум қилинган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши ноҳуқуқий бўлса озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.

Ноҳуқуқий равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш ҳуқуқига эга”, деган қоидалар юзасидан чуқурроқ таҳлилларни баён этишга тўғри келади.

Шуни айтиш кераки, содир этилган ҳар бир жиноят юзасидан узил-кесил тўхтамга келиш учун аввало жиноят иши қўзғатиб, Жиноят процессуал кодексида белгиланган меъёрлар асосида жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айбсиз шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри тадбиқ этилишини таъминлащдан иборат вазифаларни рўёбга чиқариш учун суриштирув ёки тергов идоралари томонидан муайян тергов ҳаракатлари амалга оширилади. Шунинг учун жиноят ишини дастлабки тергов қилиш ёки судда кўриш жараёнида иштирокчилардан бирон-бири тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишда тўсқинлик қилса, ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ адо этмаса, айниқса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноий фаолиятини давом эттиришининг олдини олиш зарурати туғилган тақдирда ёки суд ҳукми ижросини таъминлаш зарур эканини ҳисобга олган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ЖПКда белгиланган тартибда процессуал мажбурлов чораларидан бирини қўллашга ҳақли.

(Давоми 3-бетда)

Ҳабибулло Раҳимовнинг ишбилармон маҳалладошларига кўпдан буён ҳаваси келиб юрарди. Кунлардан бир кун Тоҳиржон Ураимжонов эгадор бўлган «Феруза» хусусий фирмаси кўз олдидан ўта бошлади. Фирмага тегишли савдо хизмати кўрсатиш комплекси қисқа муддатда қурилиб, ишга туширилди. Сут ва гўшт маҳсулотлари сотиладиган дўконлар, қўша-қўша маиший хизмат тармоқлари Қоратайит қишлоғи аҳолисининг узоғини яқин қиляпти. Дастлабига 4-5 маҳалладош билан иш бошлаган бўлса, бугун кичик корхонада 30 нафарга яқин ҳамқишлоқлари меҳнат қиляпти.

14
ИСТИҚЛОЛ
БЕРГАН ИМКОН

БАРЧИНОЙЛАР

Гулсарахон Абдувоҳидова етакчилигидаги «Абдулатифжон» фермер хўжалигининг довруғи эса Хўжаобод туманини эмас, балки бутун Андижон вилоятини тутган. Бурноғи йили 13 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирди. Ўтган йилда 1,5 миллион сўмга яқин хайру саховат ишларини амалга оширди. Гулсарахон кам таъминланган оилаларга доим пешқадам. Маҳалла ҳудудини ободонлаштириб, етим-есир, ногиронлар, боқувчисини йўқотган хонадонлар билан топганини ўртада баҳам кўради.

Оилавий йиғинларнинг бирида Ҳабибулло кўнгилдан ўтган ана шу фикрларни ўртага ташлади.

Тўрт оға-ини бир бўлсак, Оллоҳга шукр, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Бирор корхона қуриб, тадбиркорликни этагидан тутиб эл назарига тушсак, – деди у. Ҳамжиҳат оғайнилар, укалари Ҳабибуллонинг гапини икки қилмадилар. Бироқ корхона учун ёрдамчи бино ака-укаларни ўйлантира бошлади. Бунинг ҳам иложи топилди. Ихтиёрларидаги томорқага ажратилган ер участкаларида тикув цехини очишга қарор қилдилар. Чеварчилик йўналишида иш бошланди. Лекин Ҳабибуллонинг алоҳида мўлжали бор эди. Негаки, Хўжаобод шаҳри қадимий ипак йўлида жойлашган.

Хўжаобод туман ҳокимлиги мутасаддилари бизнес-режа тузиш, банкидан кредит ажратиш, хомашё топиш, ҳамкорлар билан молиявий алоқаларни йўлга қўйиш, давлат рўйхатидан ўтказишда Ҳабибуллога маслаҳатлар берди. Натижада 4 та тикув машинаси билан жиҳозланган мўъжаз корхонада ишлар юришиб кетди. Ҳабибуллонинг бир оёғи банкда бўлса, бир оёғи ишхонада бўларди. Ҳотамжон, Раҳимберди, Салимжонларнинг оёғидан ўт чақнарди. Бириси хомашё таъминотига киришса, бошқаси ҳамкорларнинг ҳузурига ошиқар, яна бириси ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш пайида югуриб, елардди.

Банкдан ажратилган кредит ишлаб чиқаришга қанот бўлди. Вилоят ва туман савдо-саноат палатаси, бандлик жамғармаси мутахассислари ҳам қараб туришмади. Германияда ишлаб чиқарилган «Зингер» русумли замонавий тикув-бичув машиналари келтирилди. Илгари 3-4 хилдаги тайёрланаётган болалар либослари қаторига дизайн, модели билан фарқланадиган катталар кийим-кечаклари қўшилди. Маҳалладош хотин-қизлардан 70 нафари ишхонадан қўним топди. Бугунги кунда «Барчиной» тамғаси босилган трикотаж маҳсулотлари Фарғона водийсидагина эмас, балки Тошкент кийим-кечак бозорлари пештахталарида ҳам ўрин олган.

Эътиборлиси, ишхонада сифат мониторинги халқаро тизими жорий этилган. Қўли гул чеварлар буни уддасидан чиқаётирлар. Хусусан, Раъноxон Юсупова, Шаҳноза Усмонова, Муҳайё Солиева сингари малакали тикувчилар қўлидан ўтган маҳсулотларни харидорлар ҳеч иккиланмасдан олаётирлар.

Жаҳон бозорларини кўзлаб ишлаётган тадбиркорнинг эртаси бор. Бу билан нафақат тадбиркорнинг қўли узаяди, балки бюджет тўловларига барака кириб, мамлакат иқтисодиёти бақувватлашади. Ака-укалардан Раҳимберди яқинда Туркия сафаридан қайтди. У ерда жаҳон стандарти талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш, маркетинг хизматидан унумли фойдаланиш, сифат бўйича мониторингларни ташкил қилиш, ҳамкорлар билан молиявий алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан ҳамкасбларнинг тажрибаларини ўзлаштириб қайтди.

Юртбошимиз Оқсаройда ҳукуматнинг янги тартиби билан учрашувдаги йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркроликни рағбатлантириш истиқболларига тўхталаркан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга урғу берганларини ака-ука тадбиркорлар яхши биладилар. Корхона жамоасининг маҳаллий хомашё ишлаб чиқараётган фирмалар билан ҳамкорлик қилишга енг шимарганликлари боиси шундан. Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янги босқичга кўтаришга қаратилган Фармонлари, қарорлари Раҳимовлар оиласининг қалбида янги орзуларни қаноатлантирди. Улар яқин келажакда «Пахтабанк»нинг Охунбобоев шаҳар бўлимидан 50 миллион сўм кредит олиб цехларни замонавий технология тизимидаги машина-ускуналар билан янгилаб, ишхонани кенгайтириш ниятида.

«Барчиной»да ишловчилар қадр ва эҳтиром топган. Иш ҳақида узилиш йўқ. Дам олиш хонаси, душ, ошхона чеварлар хизматида. Тикувчиларга кунига бир маҳал бепул овқат бериладди. Сифат ва иш ҳажмига қараб мукофот пуллари эгаларини топмоқда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

– Лицей-интернат ва касб-ҳунар коллежлари янги ўқув мавсумига шай, - деди Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта ва махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулла Холмуҳамедов. – Янги ўқув йилида 106 йўналиш бўйича 70 минг нафар йигит-қиз таълим олади. Бу борада керакли шарт-шароитлар муҳайё қилинган. 74 та коллеж ва 5 та лицей-интернат талабаларни кутмоқда. Шунингдек, вилоят бўйича жорий ўқув йилида яна 14 та касб-ҳунар коллежлари ишга туширилади.

Ўтган йили иш бошлаган СамДу қошидаги 1050 ўринга мўлжалланган «Компьютер технологиялари» лицейи республикамизнинг Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидан келган иқтидорли ўғил-қизларни ўз бағрига олди.

Суратларда: СамДу қошидаги «Компьютер технологиялари» лицейи олди гулзорлари яшнамоқда; лицейнинг ички кўриниши.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар

Жамоа шартномалари амалда

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИГА

қўшимча имтиёзлар

Маълумки жамоа шартномаси қандай тузилганлиги билан эмас, унинг бандлари ҳаётда тўлақонли ўз аксини топиши билан ҳам кучли. Шу боисдан ҳам кейинги пайтларда касаба уюшма ташкилотларида тузилган келишувлар ҳамда жамоа шартномаларининг қандай бажарилаётганлигини йил давомида муҳокама этиб бориш ўзининг яхши натижасини беряпти.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят кенгаши юридик шахс мақомига эга бўлган 10.490 та хўжалик ва ташкилотлардаги меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида 5 та йирик бирлашмалар, 14 та қишлоқ ва сув хўжалик бошқармалари ҳамда бошланғич ташкилотларда жами 19 та битим, 393 та жамоа шартномалари имзолаган. Улар орқали 289 минг нафар ишловчилар қамраб олинган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 5 та вилоят бошқармалари ҳамда бирлашмаларида битимлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоятдаги 14 та туманларда ва 393 та ташкилотларда тузилган келишувлар ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилиши тасдиқланган режа асосида муҳокама этиб борилаяпти. Шу жумладан Ургут, Нарпай, Тойлоқ, Пастдарғом, Самарқанд туманларида битимларнинг ижроси бирлашма раҳбарлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирокида изчил таҳлил этилди. Қўшработ, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ ҳамда Булунғур туманларида эса жамоа шартномалари бажарилишининг 6 ойлик якунлари муҳокамаси кўнгилдагидек бўлмади.

Лекин шунга қарамай жорий йилда тузилган жамоа шартномаларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борилиши натижасида вилоят бўйича ўтган 6 ой мобайнида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, боқувчисини йўқотганларга, ногирон ҳамда ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ярим йил давомида тармоққа қарашли меҳнат жамоаларида ҳисобга олинган 2.250 нафар кам таъминланган, ногирон, кўп болали оилаларга 16 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 1.661 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига 16 миллион 610 минг сўмлик маҳсулотлар тарқатилди.

Мазкур тадбирлар Пахтачи туманида ҳам яхши ташкил этилган бўлиб, умумхалқ байрамларида 25 нафар уруш қатнашчиларига 400 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Самарқанд туманида "Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан жамоа шартномаларига алоҳида бандлар киритилди. Шу асосда 17 нафар ногиронларга 510 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам имконият даражасида ажратиляпти. Пайариқ туман тармоқ касаба уюшма кенгаши ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга хўжаликлар ҳисобидан бир йўла бериладиган моддий ёрдам ва ҳар бир кам таъминланган оилага хўжаликда етиштирилган ғалладан маълум миқдорда ажратиляпти.

Маълумки, энг яхши ижтимоий ҳимоя иш ҳақини ўз вақтида берилишига эришишдир. Вилоят касаба уюшма кенгаши томонидан иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида иш берувчилар олдига қўйилган талабномалар сони 27 тага етди. 93 миллион 771 минг сўм қарз ундириб берилди. Шу мақсадда суд органларига беш марта мурожаат этилди. Булар ҳам ўзининг ижобий натижасини бериб, ундирилган қарздорлик миқдори 2,5 миллион сўмдан ошди.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосий йўналишларидан яна бири ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаб, иш ўринларини кўпайтиришдир. Вилоятда жорий йилнинг 6 ойида 18.560 та янги иш ўринлари яратилди. Шундан 24 фоизи қишлоқ жойларидадир.

Афсусланарли жойи шундаки, айрим корхона, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари жамоа шартномаларида кўрсатилган бандларни бажаришга лоқайдлик билан қарашмоқда. Ургут туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги, Булунғур туманидаги "Бешкуби" ширкат хўжалиги, Пастдарғом туманидаги Турсунов номли ширкат хўжалиги, Қўшработ туманидаги Жуманбулбул ўғли номли ширкат хўжаликларида шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Охирги йилларда вилоят бўйича битим ва шартномаларни тузиш ва бажарилишини назоратга олиш бўйича ижобий ўзгаришлар бор, албатта. Шу йилнинг феврал - март ойларида туманларда жамоа шартномаларини тузиш бўйича ўқув-семинарлари ўтказилди. Улардан тўғри хулоса чиқарган хўжалик ҳамда ташкилотлар раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг раислари ушбу зарур ҳужжатнинг ҳаётда тўлақонли амалга ошувига ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари ниҳоятда муҳимлигини эсидан чиқармаслик зарур.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Табиат ва биз

НОРИН СОҲИЛИДАГИ ЎРМОНЗОР

Тошкент-Наманган-Учқўрғон-Андижон йўналиши бўйлаб юрсангиз ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Осмонўпар тоғлардан бошланган Норин дарёси Учқўрғон шаҳри ва қатор қишлоқлар оралаб такрорланмас табиат гўзаллигини ҳосил қилган. Ойнадек ялтираб оқаётган дарё қирғоқларида ўрмонзорлар ястанган.

Яқинда шу томонларга йўлим тушганида, шеригим автомобил ойнасидан бу табиий гўзаликка маҳлиё бўлиб тикиларкан, хитоб қилди:

– Манави табиат манзарасини қаранг! Ям-яшил ўрмонзорлар, кумушсимон сувларини қирғоққа лопиллатиб ураётган дарё, кўприк устидан арғамчидек чўзилиб ўтаётган поезд вагонлари деразасидан бу тенгсиз чиройга маҳлиё бўлиб кетаётган одамлар... Ҳақиқатдан, дунёда Ўзбекистонимиз кўринишига тенг келадиган ўлка йўқ, деганлари рост. Бу замин тупроғига чўпни суқсанг ҳам эртасига ниш уради.

Дарҳақиқат, ҳамма нарса инсонга, унинг хоҳиш ва интилишига боғлиқ. Бунга бу ердаги қучоғингизга сиғмайдиган дарахтларга қараб, яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Учқўрғон Наманган вилоятининг ўрмонга бой туманларидан. Бугунги кунда бу ерда 300 гектарга яқин майдонда ўрмонзор мавжуд бўлиб, у она табиат барқарорлигини таъминлаш, атроф-муҳитни транспорт ва ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чанг, газ ва бошқа чиқиндилардан тозалаш, қолаверса, аҳолининг ёғочга бўлган эҳтиёжини қондиришдек эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда.

Учқўрғон ўрмончилик участкаси 130 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Олдинлари дуч келган дарахт экиб келинган бўлса, кейинги йилларда нав саралашга аҳамият кучайди. Биргина ўтган йилда участка аҳолига 500 куб.метрдан ортиқ ёғоч етказиб берди. Бу қанчадан-қанча одамларнинг иморат қуришига мадад бўлди. Амалдаги йил баҳорида қурт боқиш мавсуми олдидан [illegible] тайёрлашда Учқўрғон ўрмончилик маҳсулотлари жуда асқотди.

Ёғочга эҳтиёж кучайгач, мавжуд ўрмонларни таъмирлаш ва дарахт навларини саралаш бош вазифалардан бирига айланди. Жумладан, 2004 йилда умрини ўтаб бўлган 7 гектар майдондаги дарахтзор кесилиб, ўрни янгиланган бўлса, бу йил 8 гектар майдонда бу тадбир амалга оширилди. Дарахтдан бўшаган ерларга, асосан, иморатсозликда қўл келадиган ва тез етиладиган мирзатерак, кўктерак, тоғтерак кўчатлари экиляпти.

Қайтадан яратилган ўрмонзорларни кўздан кечирдик. Олдингилардан фарқи кўчат дуч келган ерга ўтқазилмаяпти. Қолаверса, уларнинг тезроқ вояга етишлари чораси ҳам кўриляпти. Чунончи, қатор ораларида 4 метрдан оралиқ қолдириляпти. Бу эса ариқ очиш, тракторларнинг бемалол ҳаракатланиши, тупроқни юмшатишга шароит яратмоқда. Бундан ташқари, янги яратилаётган майдонлар ишчиларга бўлиб берилган, улар оралиқда деҳқончилик қилишяпти. Натижада, ҳам рўзғор тебратишлари учун қизиқиш кучаймоқда, ҳам ниҳоллар ривожланяпти.

Участка жамоасининг кўчат етиштиришни йўлга қўйиш борасидаги интилиши ҳам ибратлидир. Агар 2005 йилда 80 минг туп кўчат тайёрланиб, янги майдонларга жойлаштирилган бўлса, келаси йилдан унинг миқдорини икки барobarга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, боғдорчиликни ташкил этиш ва тараққий эттириш ҳам эътиборда. Шу кунда 7 гектар ердаги боғ [illegible]. Кейинги уч-тўрт йилдан бери олма, ўрик, ёнғоқ ҳосил бера бошлади. Яқин келажакда улар мевани бозорга чиқариб сотиш имконияти ҳам вужудга келади.

Ж.ОБИДОВ

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Дўстлик тумани ғаллакорлари давлатга 33 минг тоннадан зиёд буғдой сотдилар. Ҳосилдорлик гектарига 56,5 центнерга етди.

КРЕДИТ

йиллик устама 18 фоиз

Бу муваффақиятга тижорат банклари улуши ҳам салмоқли бўлаётир. Масалан, акционерлик тижорат «Пахта банк»нинг Дўстлик туман бўлими қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағи ҳисобидан ғалла етиштирувчи фермерларга 136 миллион 400 минг сўмлик имтиёзли кредит маблағи таклиф этди.

– Йиллик устамаси 18 фоиз бўлган мазкур кредитдан фойдаланишга аҳд қилдик, - дейди «Ҳожи ота» фермер хўжалиги раҳбари С.Шодиев. – Йил бошида банкдан 2 миллион 494 минг сўмлик қарзни 2008 йилгача қайтариш шарти билан олдик. Бу маблағни техника эҳтиёт қисмлари хариди учун ишлатдик. Мавжуд 25 гектардаги буғдойдан 153,4 тонна ялпи маҳсулот ишлаб чиқардик. Шундан 76,8 тоннасини 5 миллион 200 минг сўмга сотдик. Пахтамиз ҳам тўлиқ ривожланмоқда. 100 тонна пахта етиштириш ниятимиз бор. Мавжуд техникамизнинг экинлар вегетацияси даврида бекаму кўст ва бенуқсон ишлатилишида «Пахта банк»дан олган кредит асқотди, албатта. Биз бундан мамнунмиз.

Тумандаги 284 фермер хўжалигининг ҳисоб рақами «Пахта банк» туман бўлимида эканлигини ҳисобга олсак, бу каби имтиёз нечоғлик наф келтиришини «Мўминов Зафар», «Бердибой ота» сингари ўнлаб фермер хўжаликлари амалда исбот қилдилар. Жами 27 та фермер хўжалиги бундай имтиёзли қарздан фойдаланишди.

–Кўпчилик фермерлар техника олишда таклиф этаётган кредитимиздан фойдаланишаяпти, - дея суҳбатни давом эттирди бўлим бошқарувчиси Аҳрор Султонов. – М.Дадажонов номли агрохизмат маркази ҳудудидаги З.Мўминов бошлиқ фермер хўжалиги олинган кредит ҳисобига 10 миллион сўмлик техника воситалари харид қилди. Шу хўжаликнинг биргина ғалладан олган даромади 9 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Ўтган йили туман бўйича 12 миллион сўмлик 45 та култиваторни фермерларга олиб бердик. Келгусида ҳам имтиёзли кредит беришни кўпайтириш мақсадида ресурсларни кенгайтириб боришни кўзда тутганмиз.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини банк муассасалари томонидан йиллик 3 фоизли кредитлаш ўз самарасини бераяпти. Мазкур бўлим жорий йилнинг ўтган олти ойида ўз мижозлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1 миллиард 212 миллион сўмлик қарз ажратди. Олинган кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши чора-тадбирлари мониторинги тегишли идоралар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Бу ўз самарасини бераётир.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

УЧҚУДУҚНИНГ СУВИ БОШҚАЧА

Учқудуқ - вилоят маркази Навоий шаҳридан 300 чақирим олисда - Қизилқум чўлида жойлашган. Саҳро бағридаги бу шаҳар аҳли сув қадрини жуда яхши билади. Унинг ҳар томчисини тежаб-тергаб ишлатади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси жамоаси чиқинди сувлардан қайта фойдаланишни йўлга қўйди. Сувни қайта ишлайдиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларнинг технологик зарурaтлари ҳамда шаҳарни кўкаламзорлаштириш учун бир йилда 12 миллион кубометр қўшимча сув етказиб бериш имконияти яратилди. Бу эса шаҳарнинг экологик тоза бўлиши учун 100 гектардан ортиқ майдонда мевали ва манзарали дарахтзор барпо этиш имкониятини яратди.

Таққос

Сардоба туманида иқтисоди бақувват фермерлар анчагина. Улар орасида А.Қодирий номли ҳамда "Тинч" фермер хўжаликлари алоҳида тилга олинарди. Тадбиркорларнинг бири ҳалол меҳнат, пешона тер эвазига эътибор топган бўлса, иккинчиси аксинча, кўзбўямачилик орқали шуҳрат ортидан қуваётгани маълум бўлиб қолди. Келинг ана шу икки фермер хўжалиги фаолиятига чуқурроқ назар ташлайлик.

ФЕРМЕР

бўлиш ҳамманинг қўлидан келмайди

Асли касби иқтисодчи бўлган Асатулла Бердиқулов қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни теран англаб етди. Шу боис тендерда қатнашиб 400 гектарлик майдонга даъвогарлик қилди. Нафсиламбирини айтганда, тўртта одам эплаши мушкул вазифани Асатулла ака ҳеч иккиланмасдан ўз гарданига олди. Қарийб битта ширкат хўжалиги экин майдонининг учдан бир қисми тадбиркор қўлига ўтди. Аммо далага одамларни жалб этиш, юқори самарага эришишнинг ўзи бўлмасди. Ширкатдан кўнгли совуган баъзилар фермер нима берарди, деган маънода дала юмушларидан ўзини олиб қочарди. Аммо тадбиркор адашмади. Молиявий билимдонлик ҳам деҳқончиликка барака киритди. Асатулла Бердиқулов сарфланган сўм самараси, экин таннархи-ю, меҳнат сарфини миридан-сиригача баҳолади. Соҳада тўплаган бутун маҳорати, тажрибасини мақсад йўналтирди.

У ҳалол меҳнат қилган деҳқон ҳеч маҳал кам бўлмаслигини молиячи сифатида яхши биларди. Шу боис сарф-харажатни ўрнига қўйди. Ўз ўрнига сарфланган маблағ, фурсатида амалга оширилган дала юмушлари ҳосилдорлик ошишига хизмат қилди. 500 тонналаб пахта, минг тонналаб ғалла хирмонлари уйилди. Ҳисобга келиб тушган даромадни ҳам жойига сарфлади. Оқибатда фермер хўжалиги техникалари сони 15 турдан ошиб, ўз АТПсини ташкил этди. Ҳудуддаги энг серҳосил ва кўп маҳсулот сотувчи хўжаликка айланди. Биргина шу йили А.Қодирий номли фермер хўжалиги 212 гектар майдонга ғалла экканди. Узоқов номли дон қабул қилиш пункти билан 443 тонна дон топшириш шартномасини имзолади. Ғалвир сувдан кўтарилганида, деҳқонлар меҳнати кўринди. Шартномавий режани келишилганидан ҳам кўпроқ, аниқроғи 500 тоннага уддалашди. Режадан ошиқ дон ўз омборига туширилди.

Асатулла ака деҳқон меҳнати қадрини, унинг манфаатдорлиги ҳеч маҳал ёддан чиқармади. У ўз вақтида ишчиларга тўлаб бераётган меҳнат ҳаққини вилоятдаги энг юқори кўрсаткичли ташкил этди. Масалан, тўплиган бир бегона ўтдан тозалашга муттасил кўмак бераётганларга ўртача 50 -60 минг сўмдан тўлаб борди. Ғўза вегетацияси даврида механизаторларга 200 - 250 минг сўмдан маош белгилади. Даладаги ишлар ҳам шунга яраша. Фермер қўлида меҳнат қилаётганларни иссиқ овқат, ўз фурсатида дам олишини назардан қочирмайди. Ходимлар турмуш тарзи яхшиланиши унумдорликка калит бўлади. Шу боис ютуқ доимо тадбиркорлар кетидан қувади.

"Тинч" фермер хўжалигининг ҳам довруғи аллақачон довон ошиб улгурганди. Уларга ҳам ҳавас қилганлар оз эмасди. Аммо мисқоллаб йиғилган обрўга қўққисдан путур етди. Балои нафс ғолиб келди. Синфдош дўстларини елкадош қилган Норбек Ўринов обрў-эътиборли эди. Бир неча йиллар мақтовлар уммонида сузди ҳам. Аммо омонат шуҳрат худди пуфак сингари ёрилиб кетди. Тадбиркор нафақат ўзи балки ҳамкорлари юзини ҳам ерга қаратди. 500 гектар ерни ўз тасарруфига олган хўжалик анча-мунча найранглар эвазига сохта обрў олган экан. Парда ортига беркитилган қилмиш Пахтобод пахта тозалаш заводидаги қаллобликлар фош этилгач, юзага қалқиб чиқди. "Тинч"да нотинчлик юз берди. Ердан кутилган самарани ололмагач, қинғир йўл тутилди. Ишламасдан тишлаш бош ғояга айланди. Фермер хўжалиги раҳбари Норбек Ўринов 2003 йилдаёқ тўғри йўлдан тойган экан. Аниқроғи пахта қабул қилувчилар билан тил бириктириб, умумий қиймати 53 миллион сўмдан ортиқ бўлган 267 тонна юқори навли пахтани қўшиб ёздиртиради. Бу ёрдам эвазига пахта заводи раҳбарига ўзи миниб юрган "Дамас" автомобилини совға қилади.

Қинғир йўл билан келган даромад раҳбар ҳаловатини ўғирлади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек қаллобликнинг янги йўлларини излаб топди. Айниқса, 2004 йилда унинг бу борадаги ижоди гуллади. У Оқолтин туманидан ҳам "Тинч" фермер хўжалиги ташкил этганди. Ана шу пайкалдан йиғилган пахта ҳосилини ҳам қўшни Сардоба туманидаги "Тинч" фермер хўжалиги ҳисобига топшириб, тўнғичини байроқдор қилди. Икки "Тинч"ни бир ноғарага ўйнатди. Халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек Норбек Ўриновнинг қилмишлари очилмасдан қолмади. Ноқонуний ҳаракат муқаррар жазодан панада қолмади.

Тўғри ҳар доим муродга етади. Пешона тер, ҳалол меҳнат А.Қодирий номли фермер хўжалигига обрў келтирди. Унга ёндош, баҳслашиб, беллашиб келаётган "Тинч"ни эса инқирозга етаклади. Бири интилиб, изланиб кам бўлмади. Иккинчиси эса мутлоқ тескари йўлдан бориб алдов йўлини тутди. Охири вой бўлиб, фаолияти барҳам топди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Мулоҳаза ва таклиф

САНКЦИЯ ВАКОЛАТИ

(Боши 1-бетда)

Процессуал мажбурлов чоралари эса хилма-хил бўлиб, улар сирасига ушлаб туриш; эҳтиёт чоралари, жумладан, қамоққа олиш, лавозимидан четлаштириш; мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш киради. Табиийки, процессуал мажбурлов чоралардан ҳисобланган шахсни ушлаб туриш билан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш процессуал қўллаш жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Бу чоралар иш ҳолатларига кўра фақат зарурат туғилиб, етарли асослар мавжуд бўлсагина қўлланилади.

Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинган шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш; унинг қочиб кетиши; далилларни яшириш ёки йўқотиб юборишнинг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга, яъни узоғи билан етмиш икки соат давомида қўлланилади. Шахсни гумон қилувчи тариқасида ушлаш учун қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлиши керак:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатса;

3) гумон қилувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахснинг жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса (ЖПКнинг 221-модда).

Мазкур меъёр ушлаб туришнинг қонунда назарда тутилган асослари бўлиб, бошқа асослар билан шахсни ушлаш мумкин эмас. Ушлаб туриш вақти шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шахсни ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилмай амалга оширилганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими бу тўғрида баённомани расмийлаштириб, уни ушлагандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай ушлаган шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисида қарор чиқариши, бу қарор билан уни таништириб сўроқ қилиши лозим. Гумон қилинувчининг ушлаш билан боғлиқ жараённинг энг нозик жиҳати шундан иборатки, қонунда иш ҳолатларига қараб ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноятни фош қилувчи далилларни (гиёҳвандлик воситаси, психиотроп модда ёхуд қурол, ўқ-дори ва ҳоказо) йўқотиш ниятида эканини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, уни ўша жойда ўша пайтда шахсий тинтув қилиб, бу тўғридаги баённома гумон қилинувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага келтирилгач, холислар иштирокида тузилиши мумкин, дея белгилаб қўйилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, гумон қилинувчини ушлаш пайтида шахсий тинтув ўтказиш учун прокурорнинг санкцияси талаб қилинмайди. Жиноят иши қўзғатилгандан сўнг шахсни ушлаб туриш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади, яъни ушлаб туриш баённомасини ёзиш учун қарор ёки ажрим асос бўлади. Бундай ҳолларда ўша пайтдан бошлаб ушланган гумон қилинувчига ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилади. Агар ваколатли шахс қонунга хилоф ёки асоссиз равишда шахсни ушлаган ёки ушлаш вақтида ваколат доирасидан четга чиққан бўлса, қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади (ЖПКнинг 224-моддаси). Ушланган гумон қилинувчи вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланади. Ушланган шахс Жиноят процессуал кодексида белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, мажбуриятларни адо этади. Унинг жиноят содир этгани ҳақидаги гумон тасдиқланмаса; қамоққа олиш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати қолмаса, яъни унга қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ турдаги, масалан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, гаров ва бошқа эҳтиёт чоралари қўлланса; ниҳоят, қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати (етмиш икки соат) тугаган бўлса, у озод қилиниши керак. Ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақида терговчи, прокурор қарор чиқаради. Бу ҳужжатлар ушлаб турилганлар сақланадиган жойга, яъни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси маъмуриятига келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади. Суриштирувчи ёки терговчи томонидан шахснинг ушланганини қонунийлиги бўйича назоратни прокуратура идоралари амалга оширади. Прокурор вақти-вақти билан бу жойга бориб, текшириш ўтказади.

Кейинчалик ушланган гумон қилинувчиларга нисбатан эҳтиёт чораси - қамоққа олиш фақат унинг айби қандайдир даражада исботини топди, деган хулосага келинганда қўлланилади. Чунки Жиноят процессуал кодексининг 236-моддасига биноан эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаши; унинг жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чораси тергов жараёнини бир маромда холис олиб боришни таъминлаш учун қўлланилади, холос. Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чорасининг қўлланиши унга нисбатан узил-кесил қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди, деган фикрни билдирмайди. Ишни тергов қилиш жараёнида қамоққа олинган шахснинг қилмишида жиноий таркиб бўлмаса ёки жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса ёхуд унинг содир этилган жиноятга дахли йўқ эканлиги аниқланса, бундай шахс реабилитация қилинади, яъни унга тегишли жиноятини тугатиш тўғрисида терговчи томонидан қарор чиқарилганда зудлик билан эҳтиёт чораси - қамоқда сақлаш бекор қилиниши керак. Шунингдек, тергов ёки суд жараёнида иш ҳолатларини инобатга олиб, мисол учун айбланувчига илгари эълон қилинган айбдан енгилроқ айб эълон қилинганда эҳтиёт чораси ўзгартирилиши мумкин.

Қамоқда сақлаш билан боғлиқ эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришда прокурорнинг санкцияси талаб қилинмайди. Бу ҳақда терговчи томонидан қарор чиқарилиши кифоя. Албатта, тергов ёки суд идораси эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашда содир этилган жиноятнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларга эътибор бериши лозим.

Жиноятчига нисбатан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят иши суднинг очиқ мажлисида холис ва ҳар томонлама кўриб чиқилгач, суднинг айблов ҳукми билан тайинланади.

Шуни қайд этиш лозимки, 2001 йилнинг август ойида жиноий жазоларнинг либераллаштириш муносабати билан Жиноят кодексидаги жиноятлар қайта тоифалангани натижасида Жиноят кодексининг махсус қисмида кўпгина меъёрларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси пасайтирилиб, (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар 73,1 фоизгача кўтарилди) тергов ва суд амалиётида бу икки тоифа жиноятларни содир этган айбланувчи ёки судланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораси қамоқ билан боғлиқ бўлмаган, масалан, гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат ва шунга ўхшаш енгил эҳтиёт чораси қўлланила бошланди. Шу сабабли қамоққа олиш билан боғлиқ эҳтиёт чорасини қўллаш сезиларли даражада камайиб бормоқда. Бу эса дастлабки тергов жараёниданоқ айбланувчиларни жамият, оиласи ва яшаган муҳитидан ажратмасдан, айниқса, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бирон-бир тарзда чекламасдан терговда енгилроқ турдаги мажбурлов чорасидан самарали фойдаланиш имкони яратилди. Айбланувчини қамоққа олиш билан боғлиқ эҳтиёт чорасининг бошқа енгилроқ турдаги эҳтиёт чораларидан фарқи шундаки, қамоққа олишда прокурорнинг санкцияси талаб қилинади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичдаги ҳал қилиниши зарур масалалардан бири ушлаб туриш ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция бериш ваколатини прокуратурадан судга олиб бериш масаласини ҳал этиш зарурат эди. Шу маънода Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони бу борада ғоятда муҳим қадам бўлди.

Юқорида зикр этилганлар ушлаб туриш билан эҳтиёт чораси - қамоққа олиш процессуал хусусиятлари билан бир-биридан қуйидагича фарқ қилади, деган хулосага келишга асос бўлади.

Биринчидан, ушлаб туриш муддати узоғи билан уч кундан ошмаслиги керак, қамоқда сақлаш бир неча ойгача узайиши мумкин. **Иккинчидан,** жиноят иши қўзғатмасдан ҳам гумон қилинувчини ушлаш (йигирма тўрт соат ичида ушланганининг асослиги текширилиши керак) мумкин, қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чораси жиноят иши қўзғатилгандан сўнг айбланувчига нисбатан қўлланилади. **Учинчидан,** гумон қилинувчини ушлашда прокурорнинг сакцияси талаб этилмайди, айбланувчини қамоққа олиш фақат прокурорнинг санкцияси билан амалга оширилади. **Тўртинчидан,** ушлаб туриш фақат гумон қилинувчига нисбатан қўлланилади, қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чораси айрим ҳолатларда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқариб айб эълон қилинмаган шахсга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Яъни гумон қилинувчини қамоқда сақлашга прокурор томонидан санкция берилган бўлса-да, ўн кун ичида унга айб эълон қилиниши лозим бўлади. **Бешинчидан,** ушлаб турилган гумон қилинувчилар вақтинча сақлаш ҳибсхонасида, эҳтиёт чораси - қамоққа олиш қўлланган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тергов изоляторида жойлаштирилади. Демак, уларни сақлаш жойидаги тартиб ва шароит турлича бўлади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори,
сенатор

Юртимиз шифо масканларида

“ТОВОҚСОЙ” МАФТУНКОР ГЎША

«Товоқсой» сиҳатгоҳи ниҳоятда хушманзара маскан. Тоғ ҳавоси, бир-биридан кўркам манзаралар, сайроқи қушлар хониши инсонга ажиб кайфият бахш этади. Ходимларининг ширин сўзлари дардингизни аритади. Директор Ҳикматулла Султонов ҳар гал биз кексаларга кўзи тушгач «Нима хизмат бор, отахон? Камчиликлар йўқми?» дея қўл қовуштириб туради.

Унинг айтишига қараганда, мазкур сиҳатгоҳ дастлаб 1962 йилда фахрийлар уйи сифатида очилган. Кейинчалик эса фахрийлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларни даволаш масканига айлантирилган. Санаторийда ҳар йили ўртача етти мингдан зиёд киши соғлиғини қайта тиклайди.

Сиҳатгоҳда даволанувчиларга ўн икки нафар малакали шифокор, қирқ нафар ҳамшира хизмат кўрсатади. Бу масканда асосан асаб, юрак хасталикларига чалинган беморлар даволанадилар. Бунда Шарқ табобати усуллари ўз самарасини бермоқда.

Санаторий уч гектарлик ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерига эга бўлиб, бу жойдан олинаётган соф даромад беморларнинг маданий-маиший шароитини яхшилашга сарфланади.

Масканда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг баҳорида сиҳатгоҳ ҳудудига минг тупдан зиёд гул кўчатлари, беш юзга яқин мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Бу ерга келувчиларнинг яхши дам олиб, даволаниб кетишида шифокорлар Махсума Раҳимбердиева, Расулжон Эрматов, Дилбар Сулиева, Шоира Холматова, Ҳилола Наримбоева, ҳамширалар Озода Ибрагимова, Фарида Эрназароваларнинг хизматлари катта бўлаётир. Улар нафақат беморларга хушмуомалада бўладилар, балки бу масканда дам олувчиларнинг соғлиғи тикланишида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Х.РЎЗИМАТОВ,
Шовот тумани

ЎЗБЕК ҚОРАКЎЛИ ОЛАМГА МАШҲУР

Бизга маълумки, жаҳон бозорида республикамиздан олиб борилган 27 хилдаги қоракўл терилари жуда харидоргир. Бугунги кунда Ўзбекистонимизда 4 миллион 600 минг бош қоракўл қўйлар, 22 минг 500 бош туя, бир миллион бош тивит берадиган эчки мавжуд.



Яқинда Самарқанддаги шу соҳа билан шуғулланувчи Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг 75 йиллиги нишонланди. Ватанимизда ягона бўлган бу даргоҳ чўл-яйлов ерининг структурасини аниқлаш, озуқа базасини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, бу соҳада мини-технологияларни яратиш, қоракўл териларнинг турли ранг ва гулларини кўпайтириш ва жаҳондаги қоракўлчилик билан шуғулланадиган давлатлар билан ўзаро фикр алмашиш каби ишларни амалга оширади.

– Ўтган 75 йил мобайнида бу ердан 165 нафар чорвачилик бўйича фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиқди, - дейди институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суръат Юсупов. – Юбилейда «Чўл-яйлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда республикамизнинг қоракўлчилик билан шуғулланадиган хўжаликларидан келган чорвадорлар томонидан наслли қўчқорлар кимошди савдоси ўтказилди. Зот, маҳсулот бериш типи, ёшига қараб Самарқанднинг «Сахобаота» наслчилик хўжалиги Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларидан олиб келинган қўчқорларнинг ҳар бири ўртача 190-250 минг сўмдан сотилди.

БИОТЕХНОЛОГИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар

◆

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ - ЧИРЧИҚДА

(Боши1-бетда)

- Биз серқуёш юртингизда спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро мусобақалар доимо муваффақиятли ташкил этилишини яхши биламиз. Бугун бошланган оғир атлетика бўйича қитъа чемпионати ҳам юқори савияда ўтказилишига ишончим комил.

Осиё чемпионати Чирчиқ шаҳри учун бу йилги учинчи йирик мусобақадир. Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг стадиони, сув ҳавзаси ва спорт манежи жорий йилнинг май ойида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирокида «Баркамол авлод» ўйинлари ва июнда Аёллар спартакиадаси мусобақаларига мезбонлик қилди.

Хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида йигирмага яқин мамлакатдан икки юз нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Оғир атлетика дунё бўйлаб кенг тарқалган спорт турларидан ҳисобланади. Полвонларнинг тош кўтариш баҳси юзлаб йиллар муқаддам кўплаб миллатлар тарихида кузатилган. Бироқ, оғир атлетика 1860-1920 йилларда замонавий спорт тури сифатида шаклланди. Бу жараёнда қатор мамлакатларда турли тўгараклар, клублар ташкил этилди, дастлабки қоидалар, мусобақани ўтказиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилди, такомиллаштирилди.

Бугунги кунда кўпчилик мухлису мутахассислар эътиборини ўзига жалб қилаётган оғир атлетика 1986 йили дунёдаги энг нуфузли мусобақа - Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган эди.

Ўзбекистонда спортнинг мазкур тури анча оммалашган. Ҳамюртларимиздан Бахтиёр Тоғаев, Игорь Халилов, Александр Ўринов қитъамизнинг энг кучли оғир атлетикачиларидан ҳисобланади. Уларнинг ортидан эса Фурқат Саидов, Ботир Усмонов каби иқтидорли ёш спортчилар вояга етмоқда.

26 августгача давом этадиган Осиё чемпионати янги юлдузларни кашф этиши шубҳасиз.

СЕН ВА ЖИН - ЧЕМПИОН!

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт манежида ўтказилаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати доирасидаги беллашувларни 56 килограмм вазн тоифасидаги ўсмирлар бошлаб берди.

Мусобақада штангани даст ва силтаб кўтариш беллашувларида 265 килограмм натижа кўрсатган хитойлик Сен Биао қитъа чемпионатининг илк олтин медалини қўлга киритди. Хитойлик спортчи сингари умумий ҳисобда 265 кило тош кўтарган Шимолий Корея вакили Ча Кун Чол мусобақа ҳакамлари томонидан кумуш медалга лойиқ топилди, бронза медаль Таиланддан келган Танасак Фанаимга насиб қилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда 48 килограмм вазн тоифасида иштирок этган икки нафар ҳамюртимиз Осиё чемпионати совриндори бўлди. Елена Асланова 110, Сурайё Тоғаева 72 килограммли тошни кўтариб, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди. Чемпионат олтин медали даст ва силтаб кўтариш бўйича 170 килограмм натижа кўрсатган Шимолий Корея спортчиси Жин Ок Жангга топширилди.

Осиё чемпионати давом этмоқда.

(ЎзА)

ҚУВА АНОРИНИНГ ДОВРУҒИ

Қува анори нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур. Бунда боғдорчиликка ихтисослашган «Анор» ширкат хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Айни кунларда ширкат хўжалигида беҳи ҳам парваришланмоқда.

- Инсон қўли гул эканига яна бир карра ишондим,- дейди ширкат хўжалиги раиси Мастурахон Сайфиддинова. - Бундан йигирма йиллар аввал бу жойлар бийдек дашт эди. Бугунга келиб уста боғбонларимиз меҳнати эвазига мана шундай боғлар барпо этилди. Кўрган одамнинг ҳаваси келади.

Хўжаликда иш пудрат асосида ташкил этилган. 546 та пудратчи белгиланган шартнома режаларини уддалаб келмоқда. Бу йил 170 гектар майдонда янги боғлар барпо этилди.

Ўтган йили ширкат хўжалиги 212 миллион сўм даромад кўрган эди. Анор асосан Россия ва Кореяга жўнатилди. Бу йил ҳам режалар катта. 400 гектар майдондаги анорзор ҳосилга кирган. Ўрик, шафтолидан ҳам яхши ҳосил олинди. Йил охирига қадар ширкат хўжалиги 300 миллион сўм даромад олишни мўлжалламоқда.

(ЎзА)

Эътиборсизлик қимматга тушади

НАСОС СТАНЦИЯСИДАГИ КЎНГИЛСИЗЛИК

Бунга ким айбдор?

Ёшлик гўзаллигини, бу палладаги инсон боласи орзу-умидлари ва интилишларини нималарга қиёслаш мумкин. Айниқса, қиз боланинг бу маҳалдаги оламини тасвирлаш осонмас. Уларни бу босқичда бургут мисол кўкка парвоз қилгуси, ой ва юлдуз мисол чарақлагиси келади. Янгиқўрғон туманининг Радивон қишлоғида туғилган Шаҳноза Исоқова ва Садоқат Қаюмовалар ҳаётларининг ўн бешинчи баҳорини қарши олаётган бўлиб, орзулари бир жаҳон эди. Қишлоқлари ортида нортуядек чўккан ва кўкламда яшилликка бурканадиган адирликлар, уларга уланган боғлар, шарқироқ сойлар уларнинг жон-дили эди.

Шу боис ёзги таътилларини табиат қўйнида ўтказишаётган эди.

Ёз кунларининг бирида, аниқроғи, 25 июн куни икки дугона, номи юқорида тилга олинган қишлоқда яшовчи Шаҳноза Исоқова ва Садоқат Қаюмовалар кун ўрталарида сой сувида чўмилиб келмоқчи бўлишади. Уларга Шаҳнозанинг синглиси Шоҳсанам ҳам эргашади.

Энди гапнинг иккинчи қисми. Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасининг Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бўлимига қарашли «Ғалла-1» насос станцияси 22 июн куни вақтинча тўхтатилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилаётган эди. Навбатчи ходимлар машиналар залида агрегат ва жиҳозларни жорий таъмирлаш ҳамда тозалаш билан шуғулланишарди. Ишчилар тушлик қилишиб, ишларини давом эттиришди. Шу пайтда, аниқроғи соат кундуз бирларда навбатчи нурчи Э.Олимов насослар олдидаги ҳовузча ёнида қизларни кўрган. Аванкамера ер сатҳидан баландроқ қилиб қурилган бўлиб, атрофи 8 см.ли панжара билан тўсилган. Ички ва остки қисмлари ҳамда деворлари бетон қоришма билан қопланган. Пастга нишаблик бўлиб, энг чуқур жойи 4,5 метрдан ошади. Унга тушган кишининг чиқиб кетиши қийин. Шу боис бу ер қаттиқ қўриқланиб, бегоналар яқинлаштирилмайди. Буни эътиборга олган Э.Олимов аванкамера олдидаги қизларни тарқатиб юборади ва шериклари олдига қайтади.

Шу ўринда Э.Олимов ва у билан тозалов ишларини олиб бораётган йигитлар бепарволигини кечириб бўлмайди. Улар қизларни насос станцияси ҳудудидан чиқиб кетган, деб ўйлаб, ишларини давом эттира бердилар. Кўргиликни кўрингки, сал муддат ўтмай ташқаридан қиз боланинг додлаган овози эшитилди. Йигитлар шу заҳоти ташқарига қараб югуришди. Хўш, ташқарида қандай воқеа юз берган эди.

Сойнинг лойқа сувида чўмилган қизларнинг кўнгли тўлмади. Негаки, қиз бола, қиз бола-да! Тозаликни, мусаффоликни севади. Ахир, аванкамерадаги сув бир неча кундан бери насос ишламаганидан булоқникидек мусаффо ва тиниқ эди. Бу фикр кимдан чиққан, эндиликда аниқлаш қийин. Балки қизлар юз қўлларини ювмоқчи бўлишгандир. Улардан бири сувга эгилган пайтда оёғи сирғалиб кетган, иккинчиси дугонасини ушлаб қолмоқчи бўлгандир, эҳтимол. Хуллас, машина залининг ичкарисида ишлаётган йигитлар югуриб чиқишганида аванкамера сувида ҳеч ким кўринмас, ёлғиз Шаҳнозанинг синглиси Шоҳсанам додлаб ҳовузча атрофида гирди-капалак бўлиб югураётганди.

Турган гапки, йигитлар ўзларини аванкамера сувига отишди. Бефойда! Шундан кейин аванкамера дарвозасини очиб тўпланган сувни ташқарига чиқаришди. Сув остида икки қиз сочлари ёйилганча сув париларидек ётишганди...

Дарҳол «Тез ёрдам» ҳам етиб келди. Надоматларким, вақт ўтган эди...

Яна бепарволик, ўзибўларчилик ғоятда қимматга тушди. Насос станциясида ишлаётган ишчилар, биринчи галда навбатчи нурчи Э.Олимов қизларни аванкамера ҳудудидан ҳайдаш билан кифояланмасдан, яна бир бор ташқарига чиқиб кўздан кечирганида, аванкамера қаттиқроқ қўриқланганида, чет кишиларнинг бу ерга киришни таъқиқловчи белгилар қўйилганида, атрофидаги тўсиқлар мустаҳкамроқ бўлганида бу фожеа юз бермас эди.

Шу ўринда шу соҳа бўйича мутахассис Наманган вилояти ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат техника бош инспектори Аҳмаджон Йўлдошевнинг сўзларига эътибор қилайлик:

– Шаҳноза ва Садоқатнинг ўлими қалбларни ларзага солди. Кимларнингдир бепарволиги, ўзига топширилган вазифага масъулиятсизлиги, қолаверса, мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия беришдаги бир ёқламалилик туфайли ғунчалар хазон бўлди. Бу ҳар бир инсон учун катта сабоқдир.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Барчани Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги билан самимий муборакбод этади

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги ўта шарафли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Биз учун ягона ва устувор мақсад – бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Жаннатга аталган ер - ўзбекники,

Манглайдан оққан пок тер - ўзбекники.

Тангри фарзандлари - эр - ўзбекники,

Сеникидир Жайхун, Сайхун, Зарафшон,

Ўзбек, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Қорақалпоғистон Республикасида:
«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент шаҳрида:
ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

Даволаниш муддати – 18 кун
БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!

Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Андижон вилоятида:
МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

Фарғона вилоятида:
МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

Бухоро шаҳрида:
«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Наманган вилоятида:
МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари

Футбол

ҒАЛАБА МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН!

терма жамоамиз плей-оффда Баҳрайн билан учрашади

Биз бу ғалабани қачонлардан бери орзиқиб кутардик. Ниҳоят, орзу рўёбга чиқди. Бизнинг кўчамизда ҳам карна-ю сурнай, ноғора-ю доира садоларини баралла янгратиб, ифтихор тантаналари бошланиб кетди.

Мухлис аҳли нима-ю, деҳқон нима. Ҳар иккиси тантиликни ўзига бош фазилат қилиб олган. Бир айланиб полизга бориб қолсангиз, чанқоғингизни қондириш учун икки тилим қовунмиди ёки тарвузмиди кифоя қилгани ҳолда деҳқон олдингизга бир арава шириндан-ширин, асалдан-асал табиат неъматини ёйиб ташлайди. Мухлис ҳам шунақа: севимли жамоаси учун жони-жаҳонини бериб юборишга тайёр. Айниқса, кечагидагидек ўйиндан кейин.

Шундайки, бир неча учрашувлардан иборат бутун бошли саралаш босқичи ҳам бир бўлди-ю, охирги ўйин - Қувайт терма жамоаси билан беллашув ҳам бир бўлди. Аста-секин, унчалик ҳам ошиқмай ҳал қилиш мумкин бўлган масала тугунлари ўз ечимини фақат шу кунга келибгина бизга тақдим этди.

Ғалабага эришилган тақдирда сўниб бораётган умид учқунларини яна алангалатиш имконини яратадиган сўнгги учрашувда миллий терма жамоамизга етакчилик қилиш учун Англиядан таклиф этилган Роберт Хоугтон ушбу муваффақиятни умрбод ёддан чиқармаса керак. Бунинг акси ўлароқ Қувайт термасини яқиндагина қабул қилиб олган румин Михай Стойкицэ араб футболидаги таомилга кўра хайр-хўшни насия қилган ҳолда жомадонини йиғиштирса ҳам бўлаверади.

Ваҳоланки, "А" гуруҳида ғолиб чиқиб, Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаларини қўлга киритган Саудия Арабистони ва Жанубий Корея жамоаларидан фарқли ўлароқ нурсиз ўйинлари туфайли ўзига хос лоторея - плей-офф учрашувларидан умидвор бўлишгагина имкони қолган Қувайт ва Ўзбекистон термаларининг Тошкентдаги матчи, бокс таъбири билан айтганда, биринчи раунддаёқ кетма-кет иккита нокдаунга учраш билан бошланди. Қарши ҳужум тактикасини қўллаган меҳмонларимиз аввал Бадир Мутва, сўнг эса биринчи учрашувда ҳам икки гол муаллифига айланган Башир Абдулазиз томонидан киритилган тўплар эвазига 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар. Ҳатто, эътироф этиш жоизки, Евгений Сафонов яна шунча марта тўпни дарвозасидан олиб чиқишига сабаб бўладиган қулай вазият кўкка совурилиб, Қувайт бу ўйинга кўпчилик тахмин қилганидек, амаллаб дурангга эришиш учунгина келмаганлигини эслатиб қўйдиким, очиғи, буни на мухлислар, чамаси на футболчиларимизнинг ўзлари кутмаган эдилар.

Кейинги пайтларда мутахассисларнинг чиқишларида ҳам танқидга учраётган бир чизиқли ҳимоя яна панд берди. Ҳимоя марказида Ашурматов, Пашинин, Фёдоровларнинг йўқлигини инобатга олиб термага жалб қилинган Февзи Давлетов ҳам ушбу дақиқаларда жамоасига ёрдам қила олмади. Пала-партишлик ва бир-бирига ишониб, тўп билан жарима майдонига яқинлашаётган ҳужумчиларни ўз вақтида тўхтатишни уддалай олмаслик яққол кўзга ташланди.

Лекин ҳозир ҳимоячиларни уқувсизликда айблаб, муҳокама қилиб ўтирадиган пайт эмасди. Юзага келган ҳолатдан чиқиб кетишнинг бирдан-бир йўли, бу рақиб дарвозасини ишғол қилиш, бунинг учун бор куч ва маҳоратни ишга солиш эди. Буни футболда "ва банк" дейишади. Футболчиларимиз шу йўлни танлашди, мураббийларимиз ҳам уларни қўллаб-қувватлашди. Охир оқибат узун ва қоронғу йўлакнинг нариги томонида ёғду кўринди. Александр Гейнрихга нисбатан амалга оширилган қўполлик малайзиялик ҳакам Субҳиддин Солиҳ томонидан Шебаҳ Канкони дарвозасига пенальти белгиланиши билан ниҳоя топди. Сервер Жепаров зарба беришда янглишмади. Ҳисобдаги фарқ қисқарди. 1:2.

Иккинчи бўлим тафсилотини қоғозга туширишнинг иложи йўқ. Уни фақат кўриш ва завқланиш керак. Шубҳа йўққи, ушбу ўйин туширилган видео кассеталар сотувга чиқарилса, бир пасда қўлма-қўл бўлиб кетади. Эҳтимол, ишбилармонлар буни инобатга олиб, мухлисларни хушнуд этишар. Лекин биз ҳозирча баҳоли қудрат нимадир дейишимиз лозим. Ҳақиқатан ҳам терма жамоамиз шу пайтгача бундай шижоатли ўйин намойиш этмаган эди, десак ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Беихтиёр "ўйнаса бўларкан-ку!" деб ҳайқириб юборгинг келади. Аввал Максим Шацких, сўнгра захирадан майдонга тушган Анвар Солиев Қувайт дарвозасини бош билан ишғол қилиб, муҳимликда тенги йўқ ғалабани таъминлаб бердилар. Ҳар икки гол Миржалол Қосимов томонидан амалга оширилган бурчак тўпларидан кейин дарвозага киритилди. Агарки, биринчи гол ҳам пенальтидан йўлланганини назарда тутадиган бўлсак, ҳар учала гол унумли фойдаланилган стандарт вазиятлар ҳосиласи эканлиги аёнлашади.

Румин мутахассиси Стойкицэ айнан ана шу нарсадан хавфсираб, бунга йўл қўймаслик учун қатор чоралар кўрганлиги шубҳасиз. Буни бутун учрашув давомида, эътибор қилинг, бирор марта ҳам жарима майдони яқинида шогирдлари ўйин қоидасини бузмаганлигидан ҳам билса бўлади. Лекин ёзилмаган сценарийни ўқиб чиқишнинг иложи бўлмаганидек, бурчак тўпларидан футболчиларимиз ўзларига бунчалар самара топишлари мумкинлигини у ҳам уқа олмаган кўринади.

3:2! Ҳеч бир муболағасиз бутун Ўзбекистон аҳлида фахр-ифтихор туйғуларини жўшқириб юборган ғолибона юриш давом эттирилиши керак. Бизни энди Баҳрайн терма жамоаси кутмоқда. Плей-офф деб аталмиш икки қисмдан иборат ушбу спектакл томошаси 3 ва 7 сентябрга белгиланган. Ғолиб Марказий Америка - КОНКАКАФ гуруҳида тўртинчи ўрин эгаси (балки у Панама, балки Коста-Рика бўлар) билан баҳсга киришади. У ёғи - Германия!

Катта қийинчилик билан бўлса-да, биринчи довон ошиб ўтилди. Умид қиламиз ва ишонамизки, қолган довонлар ҳам бўйсундирилади.

Қувайт устидан қозонилган ғалаба биз бежизга умид қилмаганимизни ва ўзимизга ишонгандек ишонганимиз тўғри бўлганлигини тасдиқлади. Ва бизни қайсидир маънода бундан буён ҳам умид билан, ишониб яшашга ўргатди.

Ғалаба муборак, Ўзбекистон!

З.РИХСИЕВ

Келажакни ўйлаб

ЧЎМИЛИШ ҲАВЗАСИ — БОЛАЛАРГА

Янгиқўрғон туманидаги 10 та боғчада ривожлантирувчи муҳит тизимини яратиш мавзуида вилоят миқёсида семинарлар ташкил этилди.

– Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи, бу ерда мавжуд бўлган шарт-шароитларни намойиш этиш, камчиликларни бартараф этиш эди, – дейди туман халқ таълими бўлими мактабгача таълим бўлими услубчиси М.Нишонова. – Боғча тарбияланувчилари қатнашчилар ҳамда меҳмонлар ҳузурида мактабгача қандай билим ва кўникмаларни эгаллаш лозимлигини ўз мисолларида амалий жиҳатдан тақдим эта билишди. Жажжилар «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақасида вилоятда 2-ўринни эгаллаганликлари ҳам бу ерда соғломлаштириш борасида яхши шароит яратилганлигидан далолат бериб турибди.

Ёзги соғломлаштириш спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларида таълим ва фан ходимлари туман касаба уюшма вакиллиги ҳам ўз ҳиссасини қўшди, албатта. «Йил тарбиячиси» кўрик-танлов ғолиблари қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. «Камолот» ҳаракати, «Соғлом авлод», «Экосан» ва бошқа жамғармалар билан ҳамкорликда болажонлар учун идиш-товоқ, стол-стул, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Кам таъминланган тарбиячилар фарзандларининг 10 нафари сўлим ёзги оромгоҳларда касаба уюшма томонидан бепул йўлланмага эга бўлишди.

Тумандаги кўплаб болалар боғчаларида ташкил этилган замонавий чўмилиш ҳавзалари ҳамиша гавжум. Спорт йўриқчилари, тарбиячи ва мураббийлар қўл остида болажонлар соғломлаштириш машғулотларига жалб этилган. Тоғолди қишлоқларда жойлашган боғчалар ҳовлисида ғарқ пишган олма, олхўри, узум ва бошқа мевалардан тайёрланаётган шарбатлар болажонлар саломатлигига фойда бўлмоқда. Тиббиёт хонасидаги зарур дори-дармонлар барча боғчаларда мавжуд бўлиб, тарози, бўй ўлчаш мосламалари давлат стандартларидан ўтказилган. Дарвоқе, ота-оналар истаган пайтда фарзандларининг, унинг ақлий ва руҳий камолоти хусусида боғча ҳамшираларидан тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

Ҳ.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЭКОЛОГИК НАШРЛАР

«Экологик маълумотнома» деб номланган журнал чиқа бошлаганига 10 йил бўлди. Бу қизиқарли нашрнинг 55 та сони мухлисларга тақдим этилди. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бу нашри саҳифаларида она диёримизнинг гўзал манзаралари, ажойиб гўшалари тасвири акс этган рангли суратлар ҳам кўплаб ёритилди. Экологик муаммоларга бағишланган мавзуларнинг аксарияти жойларда ўз ижобий натижасини берди.

Келгуси 2006 йилда «Экологик маълумотнома»ни босмага тайёрлаш кўзда тутилди. Болалар экологик нашри устида ҳам иш олиб борилади.

А.АЛИЕВ

Янгилик

ШИФОХОНАДА ХОДИМ

тест асосида қабул қилинади

Етмиш беш ўринли 2- республика сил касалликлари шифохонаси икки йил муқаддам Нукус туманининг ям-яшил дарахтлар билан ўраб олинган кўркам бир манзилгоҳида ташкил этилиб, «ДОТС» лойиҳасига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилотининг маблағи ҳисобига жиҳозланган эди.

— «Аҳолини силдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмасдан мунтазам яшаб келаётган шахсларга силга қарши хизмат бепул кўрсатилади», деб ёзиб қўйилган, - дейди биз билан суҳбатда шифохона бош врачи Зинаида Тигай. - Касалликка чалинган беморлар текин дори-дармон, озиқ-овқат билан таъминланади. Ҳар йили аёллар, ёлғиз қариялар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, тўлиқ эмланади.

ДОТС дастури Оролбўйида 1998 йилдан буён қўлланилаяпти. «Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилоти кўмагида оталиққа олинган Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида кенг кўламда ташхис қўйиш, даволаш профилактика ишлари амалга оширилаяпти. Айни пайтда Нукус шаҳри ва Чимбой туманида тиббий кузатувлар ўтказилди. Ҳар бир туманда ДОТС дастури асосида бактериоскопия лабораторияларн ва хоналари ташкил этилиб, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Умумий амалиёт врачлари, фтизиатор ва ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилиб, сертификатлар берилди.

Касалхонада даволанувчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Хоналар, замонавий мебеллар билан жиҳозланган, Иссиқ-совуқ сув бор. Беморлар гигиена воситалари, кийим-кечаклар билан таъминланган. Кунда беш маҳал, оғир касалларга 8 марта юқори қувватли таомлар, сарҳил мевалар, ошкўклар, апельсин, лимон, олма ва шарбатлар берилади. Бундан ташқари даволаниб чиққан ва диспансер рўйхатида турувчи беморларнинг уйларига гуруч, ўсимлик мойи, гречка, ун, мош, шакар, гўшт,. консерва, қуюлтирилган сут ва бошқа озиқ-овқатлар жўнатилади.

Клиник биохимиявий, микробиологик лабораторияда микроскопия усулида тез ва аниқ текширишлар олиб борилаяпти. Мўйноқ, Шуманай, Қўнғирот, Кегайли, Нукус, Қонликўл, Қораўзак каби туманлар, Нукус, Хўжайли, Тахиатош шаҳарларида «Силдан сақланинг», «Асорати ёмон дард», «Тиббий кўрик, саломатлик гарови». «Соғлигингиз ўз қўлингизда» мавзуида суҳбат-мулоқотлар уюштирилаяпти.

Ўттиз йилдан бери халқ саломатлигини муҳофазалашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Таисия Зуева, ўн беш йиллик иш тажрибасига эга Валентина Хван, ёш врачлардан Гулбону Ғоипова, Зулайҳо Болташева беморларга малакали муолажа ўтказсалар, Аноргул Маденова ва Зебо Бектурлиевалар лаборатория текширувлари юқори сифатли бўлишини таъминламоқдалар. Олий тоифали ҳамшира Равшаной Утепова, Олима Тўлегенова, фельдшер Низомитдин Қалимбетов, Обод Сафаров, Мадад Олимбетовлар беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлари билан ҳам даволаяптилар.

Эътиборга лойиқ томони, шифохонага ходимлар тест синовлар орқали қабул қилинади.

— Жамоамизда ходимларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаяпти, - дейди шифохона касаба уюшма ташкилоти раиси Марина Усенкова. — Ишловчилар учун бепул тушлик ташкил қилиниб, ишга қатнаш учун транспорт ажратилган. Жамоа шартномасига кўра ойлик маошдан ташқари қўшимча мукофотлар таъсис этилган. Махсус кийим-кечак, витаминли овқатлар, сут ва сут маҳсулотлари мунтазам равишда бериб бориладн.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Пири бадавлатларимиз

БАХТИНГ БОР ДЕБ ЭСАДИ ЕЛЛАР

Турсунбой ота тонги шабнамга чўмилган мўъжаз боғни ораларкан, хаёлидан ширин ўйлар кечди. Дарахтларда осилиб турган кўзни қамаштиргувчи, асалдан тотли ғиж-ғиж мевалар унга машаққатли ҳаёт йўлида эришган ўз бахтини эслатди гўё.

ташриф буюриб, шогирдларидан қимматли маслаҳатларини аямайди. Турсунбой ота пири бадавлат кексалар-

Отахон узоқ йиллар эл саломатлигини асрашдек шарафли касбда меҳнат қилиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Чиноз туманидаги Амир Темур ва Т.Охунова номли ширкат хўжаликларида бу нуроний зотни танимаган инсон йўқ. Боиси, қишлоқ фельдшери сифатида Т.Жўрабоев уларнинг ҳар бирига нафи теккан. У 53 йил қишлоқдаги амбулаторияда меҳнат қилди. Кеча-ни-кеча, кундузни-кундуз демай беморлар дардига малҳам бўлишга интилди. Шу билан бирга кўп йиллар касаба уюшмага етакчилик қилиб, ҳамкасбларини ижтимоий ҳимоялашда фаоллик кўрсатди.

Етмиш уч ёшга қадам қўйган отахоннинг ҳали ҳам ғайрати сўнмаган. У ҳаётини бағишлаган қадрдон масканга тез-тез дан. Турмуш ўртоғи Ўғилой опа билан 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг ҳам ўзи каби эл хизматига камарбаста инсонлар бўлиб улғайиши учун тиним билмади. Ҳозирда бир этак шириндан-ширин невара-чеваралар қуршовида қарилик гаштини сурмоқда.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Турфа олам

ОҚСИЛДА ГАП КЎП

Одам кунига 100 - 150 грамм оқсил моддаси истеъмол қилиши ва шунинг 55 фоизи ҳайвон оқсили бўлиши лозим. Текширишлардан маълум бўлдики, кўпчилик таом билан ўсимлик оқсилини кўпроқ истеъмол қилишаркан.

Бу эса одам танаси талабини қондира олмайди.

* * *

Одам танаси учун витамин жуда оз миқдорда талаб қилинади. Лекин шунга қарамай, витаминлардан бирортасининг кундалик таомимизда бўлмаслиги ёки етишмаслиги оқибатида киши турли касалликлар билан оғриши мумкин.

* * *

Минерал моддалардан кальций тузлари суяк таркибига кириб, киши тана скелетини ҳосил қилишда муҳим ўрин тутади. Минерал моддаларнинг етишмаслиги натижасида ҳам турли касалликлар келиб чиқади.

* * *

Нон тайёрланадиган унга сут қўшилишининг фойдаси шуки, унда барча моддалар - оқсиллар, витаминлар ва минерал тузлар етарли миқдорда ҳамда табиий ҳолда бўлади.

Нон таркибига сутнинг қўшилиши уни фақат ҳайвонот оқсили билангина эмас, балки минерал тузлар ва витаминлар билан ҳам бойитади.

* * *

Ҳаётнинг асоси бўлган оқсил одам танасида содир бўладиган модда алмашинуви жараёнида катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари ўлган ҳужайра ўрнига янгисини ҳосил қилишда, турли заҳарли моддалардан танани ҳимоя қилишда унинг тутган ўрни катта.

А.АКБАРОВ тайёрлади

ЯНГИ ТЕЗЮРАР ПОЕЗД

Ўзбекистон мустақиллиги байрамига республикамиз темирйўлчилари ҳам катта тараддуд кўришмоқда. «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамияти саъй-ҳаракати билан йўловчи поездлар қатновини янада яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар кўрилди. Бундай хайрли ишлардан бири «Шарқ» деб номланган янги темирйўл йўналишнинг очилиши ҳисобланади. Тошкентдан Бухорога қатновчи бу тезюрар поездини тайёрлашга пухта ҳозирлик кўрилди.

Шу йўналишда қатнайдиган вагонлар саралаб олинди. Вагон хизматлари жамоаси тузилди. Бундай йўналишда ҳам ҳозирда Тошкентдан Самарқандга қатновчи тезюрар поезди сингари барча қулайликлар муҳайё этилади. Биринчи ва иккинчи класс вагонларидан таркиб топган «Шарқ» тезюрар поезди қатновини мустақиллик байрами кунларида йўлга қўйиш кўзда тутилди.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам

Мустақил республикамиз ҳудудида транспорт ҳаракати билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларига қарши курашиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бирига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

БАРЧА КУТГАН СПОРТ МАЖМУИ

Бу борада Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идоралари томонидан қатор амалий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси қошида замонавий, кўркам спорт-соғломлаштириш маркази ва спорт майдончалари қуриб, ишга туширилди.

Шахсий таркибнинг хизматдан бўш вақтларида маданий дам олиши, спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида очиқ ва ёпиқ спорт заллари, футбол майдони ва теннис корти, сауна, дам олиш хонаси мавжуд. Ходимларнинг сиёсий билимини ошириш мақсадида маърифат хонаси ҳам ташкил этилди. Жанговар ва хизмат тайёргарлиги синфлари қайтадан таъмирланиб, жиҳозланди. Вилоят ҳудудидаги «Сангзор-15», «Манас-14», «Яккабоғ-15» ва «Дарвоза» мунтазам йўл патрул хизмати масканларида қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу масканлар тўлиқ компьютерлаштирилган.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тармоқ ходимлари Андижон вилояти касаба уюшма кенгашининг раис ўринбосари Тўхтасин Мирзаевга волидаи муҳтарамаси **ҚИММАТХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТИЛ ЎРГАНАМАН ДЕСАНГИЗ

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳузурида тилларни ўрганишга тайёрлаш республика ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Унинг очилганига 15 йилча бўлиб қолди. Бугунги кунда марказда инглиз, немис, француз, испан, грек тилларида машғулотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ажнабийлар учун эса ўзбек ва рус тилларида сабоқлар уюштирилмоқда.

Марказнинг Ўзбекистондаги инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси билан ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этиш ҳам йўлга қўйилди.

Янги ўқув йилида марказда яна қатор янгиликлар юз беради. Итальян тилини ўрганиш гуруҳи ҳам очилади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765
Буюртма Г— 616
123456